

## Аллоҳни севсангиз, менга эргашинг!



15:25 / 08.12.2018 3761

Халқимизда ҳар йили ҳижрий йил ҳисоби бўйича Рабиъул-аввал ойи келганда “мавлид” маросимини ўтказиш анъанага айланган.

“Мавлид” сўзи луғатда “Мавлидун-набий” ёки “ал-набавий” тарзида қўлланиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг таваллуд топган кунларини англатади.

Кўплаб мусулмон мамлакатларида кенг тарқалган мавлид маросими, одатда рабиъул-аввал ойининг 12-кунида ҳеч бир бидъат-хурофотсиз нишонланади. Кўпгина араб мамлакатлари, шунингдек, юртимизда ҳам мазкур кунда Имом Абу Жаъфар Барзанжий қаламига мансуб араб тилида ёзилган “Мавлид ан-набий” номи билан машҳур қасидасини ўқиш учун масжид ва хонадонларда маросимлар ўтказилади.

Image not found or type unknown



Ана шундай маросим жорий йилнинг 8 декабрь куни “Hilol-nashr” матбаа нашриёти ҳамда islom.uz портали таҳририяти томонидан **“Аллоҳни севсангиз, менга эргашинг!”** шиори остида ташкил этилди. Мавлид тадбири доирасида «Islom.uz» порталининг анъанавий «Islom.uz – 1439» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти жоме масжидларининг имом-хатиблари, имом-ноиблари, диний таълим муассасалари талабалари, бир қатор адиблар ва меҳмонлар иштирок этишди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown





Анъанага кўра, Қуръони карим тиловатидан сўнг, сўз “Нилol-nashr” матбаа нашриёти раҳбари Исмоил Муҳаммад Содиққа берилди. Маърузачи ўз сўзларида Мавлиди шарифнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб, жумладан шундай дедилар:

*- Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад - Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига биноан у зотга жамоат бўлиб дуруд салаотлар йўллаш, у зотнинг сийратларидан хабардор бўлиш, одоб-ахлоқлари, бошқаларга яхшилик қилиш, ота-она ва катта ёшдагиларни ҳурмат қилиш, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бориш, оила, фарзандларга ғамхўрлик қилиш, кўни-қўшнилари билан чиройли муносабатда бўлиш каби инсоний гўзал муомалаларни ўрганишдан иборат.*

Шундан сўнг, Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ўз чиқишларида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга эргашишнинг заруратини саҳобаларнинг ҳаётларидан келтирган мисоллар билан тушунтириб бердилар.

Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




“Усмон ибн Мазъун” жоме масжиди имом-хатиби Исҳоқжон домла Бегматов эса суннатнинг диндаги ўрни ва муҳим аҳамиятини оятлардан келган далиллар билан изоҳлаб бердилар.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



“Ислом ота” жоме масжиди имом-ноибни Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид бошчилигидаги қорилар гуруҳи ҳамда ёш иштирокчилар томонидан Саййид Жаъфар ибн Ҳасан Барзанжийнинг “Мавлидун-набий” китобидан парчалар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга бағишланган қасидалар ўқилди, нашидлар айтилди. Бу ўқилган нашидлар тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Маросимнинг иккинчи қисми ҳам ғоятда қизиқарли, таассуротларга бой ва ҳаяжонларга лиммо-лим бўлди. Бунда “Hilol-nashr” матбаа нашриёти томонидан кўзи ожиз Қуръон мухлисларига Брайл ёзувидаги Мусхафлар ҳамда Қуръони карим ёзилган аудиодисклар ҳадя этилди.

Image not found or type unknown





Image not found or type unknown





Кейин навбат «Islom.uz» порталининг анъанавий «Islom.uz - 1439» танлови ғолибларини тақдирлаш маросимига келди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари танловда иштирок этган барча мухлисларни самимий муборакбод этдилар. Шундан сўнг, танловга юборилган асарларнинг савияси, аҳамияти, сифати ва даражалари ҳамда уларга қўйилган баҳоларни ҳисобга олган ҳолда, танлов ғолибларини эълон қилдилар.

Унга кўра, фахрли 1-ўрин - Муҳаммад Одил, 2-ўрин - Суннатуллоҳ Абдулбосит, 3-ўрин эса - Санжар Қобил ва Фотима Алийларга насиб этди.

Image not found or type unknown






Шунингдек, Амруллоҳ Форсий, Даврон Нурмуҳаммад, Ихтиёржон Пўлатовлар танловнинг фаол иштирокчиларига айланишди.

**Суннатуллоҳ Абдулбосит, 2-ўрин соҳиби:**

*- «Islom.uz» портали анъанавий «Islom.uz - 1439» танловида иштирок этганимдан жуда ҳам шодман. Тўғриси, ғолиб бўламан, деб ҳеч ўйламаган эдим. Аллоҳга шукрки, мана шу нарса менга насиб қилган экан. Келгусида бундай тадбирларнинг янада кўпайишини, уларнинг бардавом бўлишини, ўзимиз ўйлагандан ҳам афзал бўлишини Ҳақ субҳанаҳу ва таолодан сўраб қоламан. Ушбу тадбирни ташкил қилганларга ҳам чуқур миннатдорчилик билдираман.*

Image not found or type unknown



Тадбир сўнггида ғолибларга ташкилотчилар томонидан дипломлар, эсдалик ва қимматбаҳо совғалар ҳадя этилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, «Islom.uz» портали томонидан анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган мазкур танлов келаси – 2019 йилда ҳам давом эттирилади. Бу ҳақидаги хабар ва янгликлар порталimiz ҳамда ижтимоий тармоқдаги каналларimiz орқали маълум қилинади. Барча мухлисларimizдан «Islom.uz» порталининг навбатдаги танловида ҳам билим ва тажрибалари, қобилият ва кўникмаларини синаб кўриш учун ўз асарлари билан фаол иштирок этишларини сўраб қоламиз.

Азизлар, бизни кузатишда давом этинг.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



**Islom.uz** портали таҳририяти